



2021 йил 9 июнь

№ 3

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: А. В. Шин – Мактабгача таълим вазири

Иштирок этдилар: Ҳайъат аъзолари, вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва масъул ходимлари;
Қорақалпогистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошликлари, тасарруфдаги республика ташкилотлари раҳбарлари, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудирлари ҳамда тегишли масъул ходимлар (рўйхат бўйича).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори ижроси тўғрисида

(Шин, Онорбоев, Бердиева, ... Шин)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимят органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон **Фармони қабул қилинди.**

Фармон билан:

«Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топширикларининг ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий қилинган;

2021 йил 1 майдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат органларида **ижрони назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисботларни шакллантириш** факат «Ijro.gov.uz» тизимида амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 48-ф-сон **фармойиши** ҳамда 2021 йил 31 марта даги “Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати тизимида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сон **қарори** қабул қилинди.

Мактабгача таълим вазирлигидаги мазкур Фармон ижросини сифатли ташкил этиш вазирликнинг 2021 йил 12 февралдаги Ҳайъат йиғилишида кўриб чиқилиб, Ҳайъат қарори билан Фармонда ва у билан тасдиқланган “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг барвақт ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ишчи гурӯҳи шакллантирилди ва Ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 марта даги 171-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Мактабгача таълим вазирининг 2021 йил 7 апрелдаги 55-сон буйруғи билан худудий мактабгача таълим бошқармаларида ижро интизоми бўйича мутахассис штати бирлиги ажратилди.

Қабул қилинаётган қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг таъсирчан тизимини яратишида «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими ўрнини мустаҳкамлаш, унинг аҳамиятини янада ошириш ҳамда самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан:

Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этишнинг 7 босқичдан иборат тартиби **1-иловага мувофиқ;**

“Ijro.gov.uz” тизимида қонунчилик хужжатлари ва топшириқларининг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ижросини ташкил этиш тартиби **3-иловага мувофиқ;**

“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом **6-иловага мувофиқ** тасдиқланди.

Қарорга мувофиқ:

Қонунчилик хужжатлари ва топшириқларда ижро муддати **белгиланмаган** ёки ижро муддати **бир йил ва ундан ортиқ** этиб белгиланган

топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот **ҳар олти ойда** масъул ижрочилар томонидан “Ijro.gov.uz” тизимида киритиб борилиши;

“Ijro.gov.uz” тизимида давлат органлари ва ташкилотларини улаш ва уларнинг “Ijro.gov.uz” тизимида фойдаланишини таъминлаш **Давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан молиялаштирилиши**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларида белгиланган **ижро муддатлари** фақатгина Адлия вазирлиги ва зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилиб, Ҳисоб палатаси хulosаси олинган таклифлар асосида ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Президенти рухсати билан узайтирилиши**;

махфийлик белгиси остидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари маълумотлар базасини юритиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари масъул ҳисобланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарори ўз кучини йўқотганлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига қонунчилик хужжатлари ва топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, уларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги маълумотлар “Ijro.gov.uz” тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилди.

Мактабгача таълим тизимида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, бу бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш ҳамда раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини белгилаш мақсадида Ҳайъат йиғилиши қарор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори (кейинги ўринларда – Қарор) **раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин**.

2. Қарор билан:

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор,

фармойиш ва топшириқлари (кейинги ўринларда – қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар) ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби **1-иловага мувофиқ**;

“Ijro.gov.uz” тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларининг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ижросини ташкил этиш тартиби **3-иловага мувофиқ**;

“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом **6-иловага мувофиқ** тасдиқланганлиги **маълумот учун қабул қилинсин**.

3. Қарорга мувофиқ:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда ижро муддати **белгиланмаган** ёки ижро муддати **бир йил ва ундан ортиқ** этиб белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот **ҳар олти ойда** масъул ижрочилар томонидан “Ijro.gov.uz” тизимига киритиб борилиши;

“Ijro.gov.uz” тизимига давлат органлари ва ташкилотларини улаш ва уларнинг “Ijro.gov.uz” тизимидан фойдаланишини таъминлаш **Давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан молиялаштирилиши**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларида белгиланган **ижро муддатлари** фақатгина Адлия вазирлиги ва зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилиб, Ҳисоб палатаси хulosаси олинган таклифлар асосида ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Президенти рухсати билан узайтирилиши**;

махфийлик белгиси остидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари маълумотлар базасини юритиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари масъул ҳисобланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарори ўз кучини йўқотганлиги **инобатга олинсин**.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича **Мактабгача таълим вазирлигининг чора-тадбирлар режаси** (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар режаси) 1-иловага мувофиқ;

“Ijro.gov.uz” тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ижросини ташкил этиш тартиби (кейинги ўринларда – Тартиб) 2-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарат йиғиишларида иқтисодий ўқишлиарни ташкил қилиш бўйича режа-график 3-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим вазирлиги таркибий бўлинмалари раҳбар ва ходимларининг ҳар ойлик иш режаларини шакллантириш бўйича намуна 4-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим вазирлиги таркибий бўлинмалари раҳбар ва ходимларининг ҳар ойлик кунбай шаклида иш режаларини шакллантириш бўйича намуна 4а-иловага мувофиқ;

таркибий тузилмалар вазифасидан келиб чиқиб, ҳар чоракда амалга оширилган ишлар юзасидан тасдиқланган иш режалар бўйича таркибий бўлинмалар ҳисботини эшлиши режа-графиги 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазир ўринbosарлари (Б.Онорбоев, У.Бегимқулов, Ш.Маматкулов)га:

ўз йўналишлари бўйича вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, уларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги маълумотлар “Ijro.gov.uz” (“app.ijro.uz”) тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилиниши учун **шахсий жавобгарлик юклансин**;

ҳар ҳафтанинг жума қуни ўз йўналишлари бўйича вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари иштирокида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича муҳокамалар ташкил этиш, топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминланмаган раҳбар ва ходимларга нисбатан қатъий чоралар кўриш вазифалари юклатилсин.

6. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларига:

чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини ташкил этишда тасдиқланган Тартибга қатъий амал қилиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар келиб тушган кундан бошлаб уч қун муддатда уларнинг ижросини амалга ошириш графиклари (назорат режалар)ни тайёрлаш ва тасдиқлаш учун раҳбариятга тақдим этиш;

қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича уларда белгиланган муддатлардан энг камиди бир кун олдин амалга оширилган, раҳбарият томонидан тасдиқланган, белгиланган шаклдаги маълумотларни, зарур тасдиқловчи хужжатлар билан бирга “Ijro.gov.uz” (“app.ijro.uz”) тизимиға киритиш;

уч кун муддатда июнь ойи учун иш режаларни 4 ва 4а-иловада берилган намунага мувофиқ шакллантириш ҳамда вазирлик раҳбариятига тасдиқлаш учун тақдим этиш;

режа-графикда белгиланган муддатларда тасдиқланган ойлик иш режалар асосида вазирлик Ҳайъати йиғилишига ҳисоботларни сифатли тайёрлаш ҳамда Ҳайъат йиғилишидан камиди бир ҳафта олдин ҳисоботларни тегишли вазир ўринбосарлари ва Назорат-таххилил бошқармасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

7. Назорат-таххилил бошқармаси (Л.Бердиева)га:

қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар масъул таркибий бўлинма томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича белгиланган шаклдаги маълумотлар “Ijro.gov.uz” (“app.ijro.uz”) тизимиға тўлиқ ва ҳаққоний киритилишини назоратга олиш;

топшириқ ижроси бўйича тизимга киритилган маълумотларни назоратдан олиш бўйича Адлия вазирлигига мурожаат қилиш, топшириқ ижроси бўйича маълумотлар эътиrozлар билан ишлашга қайтарилганда масъул таркибий бўлинма томонидан мавжуд камчиликларни зудлик билан бартарф этилиши ва тизимга тегишли маълумотлар қайтадан киритилишини назоратга олиш;

топшириқлар ижро ҳолати бўйича маълумотларни **ҳар ҳафтанинг жума куни** вазирнинг биринчи ўринбосари ҳузурида, **ҳар ҳафтанинг душанба куни** вазир ҳузурида ҳамда **ҳар ойда** ҳайъат мажлисларида муҳокамаларга киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

8. Қорақалпогистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳайъат йиғилишида кўтарилиган масалалар ва белгиланган вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида ўз йиғилишларини ўтказсинлар ва натижаси юзасидан **бир ой муддатда** вазирликка ҳисоботларни тақдим этсинлар.

9. Мазкур Ҳайъат қарори ижросини назорат қилиш тегишли йўналишлар бўйича вазир ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат раиси,

Мактабгача таълим вазири



А.В.Шин

Мактабгача таълим вазирлигининг
2021 йил 7 июнданги З-сон
Хайъат қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги
ПҚ-5132-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича Мактабгача таълим вазирлигининг
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Белгиланган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъуллар
1.	2021 йил 1 майдан бошлаб ижрони назорат килиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисботларни шакллантириш фақат «Ijro.gov.uz» тизимида амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.	1. Маълумот ва ижро учун қабул қилинсин. 2. Вазирликда «Ijro.gov.uz» тизимида ижрони назорат килиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисботларни шакллантиришга Назорат-таҳлил бошқармаси масъул этиб белгиланади.	Доимий	Назорат-таҳлил бошқармаси
2.	Қонунчилик хужжатлари ва топширикларни тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ва бу хақда «Ijro.gov.uz» тизимида белгиланган шаклдаги маълумотларни киритиш.	1. Қонунчилик хужжатлари ва топшириклар келиб тушган вақтдан бошлаб 30 дақиқа мобайнида рўйхатдан ўтказилиш ва раҳбариятга ахборот бериш 2. Бир кун муддатда қонунчилик хужжатлари ва топшириклар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилаш ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ бериш. 3. Масъул ижрочи уч кун муддатда қонунчилик хужжатлари ва топшириклар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлаши, тасдиқлатиши ва ижрога қаратиши зарур.	Доимий	Назорат-таҳлил бошқармаси Вазир ва вазир ўринбосарлари Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари

3.	Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг ижро интизомини мустаҳкамлашдаги ролини ошириш.	<p>1. Назорат-тахлил бошқармаси ролини ошириш.</p> <p>2. Вазирнинг биринчи ўринbosари томонидан Назорат-тахлил бошқармаси фаолиятини мувоғиқлаштириб бориш.</p> <p>3. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларида ижро интизомига масъул ходимни бириктириш.</p>	2021 йил 20 июнь	Вазирнинг биринчи ўринbosари, Назорат-тахлил бошқармаси, Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари
4.	«Ijro.gov.uz» тизимида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Администрацияси, Олий Мажлис палаталари ҳамда Вазирлар Махкамаси хужжатлари ва топширикларини белгиланган муддатларда бажарилишига шахсан масъул этиб белгилаш.	Вазирнинг ўринbosарлари ўз йўналишлари бўйича «Ijro.gov.uz» тизимидағи ҳужжатлар ва топширикларни белгиланган муддатларда бажарилишига шахсан масъул этиб белгиланади.	Доимий	Вазир ўринbosарлари
5.	«Ijro.gov.uz» тизимида ижроси таъминланмаган назоратдаги топширикларни ҳар ҳафта жума ва душанба кунлари вазир ва вазирнинг биринчи ўринbosари ҳузурида муҳокама қилиб бориш.	<p>1. Ҳар ҳафта жума куни вазирнинг биринчи ўринbosари ҳузурида ижроси таъминланмаган ва муддати яқин топшириклар ижросини муҳокама қилиш.</p> <p>2. Ҳар ҳафта душанба куни вазир ҳузурида муҳокама қилиш</p>	Доимий	Вазир, Вазирнинг биринчи ўринbosари, Назорат-тахлил бошқармаси
6.	Қонунчилик хужжатлари ва топширикларда ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топширикларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотни ҳар олти ойда масъул ижрочилар томонидан «Ijro.gov.uz» тизимида киритиб бориш.	<p>1. Қонунчилик хужжатлари ва топширикларда ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топширикларнинг бажарилишини доимий назоратга олиш.</p> <p>2. Ҳар ойда ўтказиладиган йиғилишларда мазкур топшириклар ижросини муҳокама қилинишини йўлга қўйиш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар бўйича ҳар олти ойда «Ijro.gov.uz» тизимида маълумотларни киритиб бориш.</p>	Доимий Ҳар ой Ҳар олти ойда	Вазир ўринbosарлари, Назорат-тахлил бошқармаси, Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари

7.	<p>«Ijro.gov.uz» тизимидағи топшириқлар ижросини бажаришда қонунчилек хужжатлари лойихаларини етарлича таҳлил қилинмаган ҳолда тайёрланиши ва Ҳукуматга киритилиши ҳолатларига йўл қўймаслик.</p>	<p>1. Қонунчилек хужжатлари лойихаларини тайёрлашда унинг етарлича таҳлил қилиниши ва сифатли тайёрланишига тегишли вазир ўринбосари, масъул таркибий бўлинма раҳбари ва Юридик бошқарма бошлиғи шахсан масъул эканлиги белгилансин.</p> <p>2. Қонунчилек хужжатлари лойихаларини Юридик бошқарма билан биргалиқда синчиклаб ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда ҳар бир лойиха бўйича вазир хузурида тақдимот ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	Доимий	<p>Вазир ўринбосарлари, Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, Юридик бошқарма</p>
8.	<p>Қонунчилек хужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолатини муҳокама қилиш, топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечикириб бажарган ёки умуман ижросини таъминланмаган ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини кўриш</p>	<p>1. Ҳар ойда раҳбар хузурида ўтказиладиган йиғилишда қонунчилек хужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечикириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалалари кўриб чиқиш бўйича таклиф киритиб бориш.</p> <p>2. Масъулиятсизликка йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини кўриш.</p>	Ҳар ойда	<p>Назорат–таҳлил бошқармаси, Кадрлар бошқармаси</p>

Мактабгача таълим вазирлигининг
2021 йил 7 июндаги 3-сон
Ҳайъат қарорига
2-илова

**«Ijro.gov.uz» тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг
Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ижросини ташкил этиш**

ТАРТИБИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Назорат-таҳлил бошқармаси	Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларини (кейинги ўринларда — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар) рўйхатдан ўtkазади ҳамда раҳбариятга ахборот беради.	Келиб тушгандан 30 дақика мобайнida
2-босқич	Вазирлик раҳбарияти	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.	1 кун муддатда
3-босқич	Масъул таркибий бўлинма – масъул ижрочи	1. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади. 2. Заруратга кўра, раҳбариятга ахборот берган ҳолда худудий бўлинмаларга амалга ошириш механизми ҳамда бажариш муддатларини аниқ белгиланган ҳолда топшириқни юборади ва назоратга олади.	3 кун муддатда
4-босқич	Худудий бўлинма Умумий бўлими (канцелярияси)	Вазирлик томонидан ижро учун юборилган топшириқларни рўйхатдан ўtkазади ҳамда раҳбариятга ахборот беради.	Келиб тушгандан 30 дақика мобайнida
5-босқич	Худудий бўлинма раҳбарияти	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлинма — масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.	1 кун муддатда
6-босқич	Худудий бўлинма масъул ижрочиси	Топшириқ ижросини таъминлаш бўйича назорат режасини тайёрлайди, тасдиқлатади ва ижрога қаратади.	3 кун муддатда
		Топшириқ ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотни зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга белгиланган тартибда марказий аппаратга тизим орқали киритади.	Топшириқда белгиланган муддатда
7-босқич	Масъул таркибий бўлинма – масъул ижрочи	1. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган, раҳбар (унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланган белгиланган шаклдаги маълумотни, зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга “Ijro.gov.uz” (“app.ijro.uz”) тизимига киритади.	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда белгиланган муддатдан кечикмасдан

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
		2. Топшириқ ижроси бўйича «Ijro.gov.uz» тизимиға киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги томонидан эътиrozлар билан ишлашга қайтарилигандан, бу хақда раҳбариятга ахборот беради, камчиликларни бартараф этади ва тегишли маълумотларни тасдиқлаш учун “Ijro.gov.uz” (“app.ijro.uz”) тизимиға қайтадан киритади.	Зудлик билан
8-босқич	Вазирлик раҳбарияти ва худудий бўлинма раҳбарияти	Қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати: раҳбарнинг биринчи ўринbosари хузурида муҳокама қилинади; раҳбар хузурида муҳокама қилинади.	Ҳар ҳафта жума куни Ҳар ҳафта душанба куни
	Мактабгача таълим вазирлиги Хайъати	Қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати муҳокама қилинади, топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминланмаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларни қўллаш масалалари кўриб чиқилади.	Ҳар ойда
9-босқич	Назорат-таҳлил бошқармаси	1. Қонунчилик хужжатлари ва топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича белгиланган шаклдаги маълумотлар “Ijro.gov.uz” (“app.ijro.uz”) тизимиға тўлиқ ва ҳаққоний киритилишини назоратга олади. 2. Топшириқ ижроси бўйича “Ijro.gov.uz” (“app.ijro.uz”) тизимиға киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги томонидан эътиrozлар билан ишлашга қайтарилигандан, масъул ижрочи томонидан камчиликлар зудлик билан бартараф этилиши ва тегишли маълумотлар тасдиқлаш учун “Ijro.gov.uz” (“app.ijro.uz”) тизимиға қайтадан киритилишини назоратга олади.	Доимий

Мактабгача таълим вазирлигининг
2021 йил 7 июндаги 3-сон
Хайъат қарорига
3-илова

**Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарат йиғиишларида
иқтисодий ўқишиларни ташкил қилиш бўйича
РЕЖА-ГРАФИК**

№	Мавзу	Сана	Масъул
1.	Мактабгача таълим тизимида фаолият олиб бораётган аёллар дуч келадиган муаммолар таҳлили ҳамда уларнинг ечими тўғрисида	Июнь	К.Рискулова – Вазирнинг маънавий-маърифий ишлар ва давлат тили бўйича маслаҳатчиси
2.	Мактабгача таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш механизимлари тўғрисида	Июль	Ф.Аминов – Комплаенс-назорат бўлими бошлиғи
3.	Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқсан ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни қамраб олишнинг энг самарали ва мақсадли усуслари	Август	Б.Хидирбаев – Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва стратегик ривожлантириш бўлими бошлиғи
4.	Инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган мактабгача таълим ташкилотларини куриш ва реконструкция қилиш жараённида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш чоралари	Сентябрь	Р.Бобохонов – Инвестициялар ва капитал қурилишни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи
5.	Мактабгача таълим тизимида таълимтарбия жараёнини самарали ташкил этишда янги ўқув-методик қўлланмалар ва дидактик материаллардан самарали фойдаланиш тўғрисида	Октябрь	А.Назиров – Таълим жараёни сифатини таъминлаш ва инновацион педагогик технологияларини жорий этиш бошқармаси бошлиғи
6.	Бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишини олдини олиш ва улардан самарали фойдаланиш механизимлари	Ноябрь	Д.Норматов – Ички аудит, молиявий ва хуқуқий назорат хизмати
7.	Мактабгача таълим соҳасида молиявий хўжалик фаолиятини юритиш, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида	Декабрь	Ш.Пардаев – Молиявий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш бошқармаси бошлиғи

Мактабгача таълим вазирлигининг
2021 йил 7 июнданги 3-сон
Ҳайъат қарорига
4-илова

НАМУНА

“Тасдиқлайман”
Мактабгача таълим вазири
ўринбосари
Ф.И.Ш.
2021 йил __ июнь

Мактабгача таълим вазирлиги бошқармаси (бошлиғи, бошлиғи ўринбосари, бош мутахассис, етакчи мутахассис) Ф.И.Ш. нинг 2021 йил июнь ойи
ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Хужжат (хат) номи	Хужжат (хат) рақами ва санаси	Ижро муддати: ойнинг санаси	Ижро ҳолати	Натижаси
I. № 1 - назорат картотекаси					
a) Конунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор, фармон, фармойишларидағи топшириқлар					
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик түсикларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони	ПФ-6191 23.03.2021	31.05.2021й.	Бажарилмоқда. Болаларни ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотига қабул қилиш тизимини такомиллаштиришни назарда тутувчи қарор лойиҳаси ишлаб ячикилиб Вазирлар Маҳкамасига киритилди.	

З-илова, 14-банди
Болаларни ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотига қабул қилиш тизимини

T/р	Хужжат (хат) номи	Хужжат (хат) рақами ва санаси	Ижро муддати: ойнинг санаси	Ижро ҳолати	Натижаси
	куйидагиларни назарда тутган ҳолда тақомиллантириш.				
...					
б) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириқлари					
1.					
...					
в) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ўтказилган маъслис баёнлари ва худудларга ташрифлар якунлари бўйича баёнлардаги топшириқлар					
1.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигига 2021 йил 26 февраль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 11-сонли баёни (Хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат органларининг масъулиятини ошириш масалалари тўгрисида)</p> <p>25.3-банд Мактабгача таълим вазирлиги (Шин), Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда икки ой муддатда бокувчисини йўқотган эҳтиёжманд аёлларга фарзандини боғчага бериш харажатларини бюджетдан қоплаш тартибини жорий этиш, шунингдек ушбу тартиб-таомилнинг давлат мактабгача таълим муассасалари билан бир қаторда ва нодавлат муассасалар тарбияланувчиларига ҳам татбиқ қилиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди.</p>	02-РА 1-3671 02.03.2021й.	02.05.2021й.	Бажарилди. Бокувчисини йўқотган эҳтиёжманд аёлларга фарзандини боғчага бериш харажатларини бюджетдан қоплаш тартибини жорий этиш, шунингдек ушбу тартиб-таомилнинг давлат мактабгача таълим муассасалари билан бир қаторда ва нодавлат муассасалар тарбияланувчиларига ҳам татбиқ қилиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди.	Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 06 майдаги 02-04/1-1473-сон хати

T/p	Хужжат (хат) номи	Хужжат (хат) рақами ва санаси	Ижро муддати: ойнинг санаси	Ижро ҳолати	Натижаси
	ҳам татбиқ қилиш бўйича таклиф киритсин.				
...					
II. № 2 - назорат картотекаси					
1.					
...					
III. "app.ijro.uz" тизмидаги топшириклар					
1.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 22 апрель куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор ииғилишининг 21-сонли Баён</p> <p>24.1-банд Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев, Мактабгача таълим вазирлиги (Шин) Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга бир ой муддатда тунги сменада ишловчи аёлларнинг фарзандлари учун мактабгача таълим муассасаларида 24 соатлик гурухларни ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиб, талаб юқори худудларда уларнинг фаолиятини йўлга кўйиш чораларини кўрсинг.</p>	21-2021 (02-РА 1-7190) 30.04.2021	30.05.2021	Бажарилган: 1 июнь кунидан республиканинг 5 та худудида жумладан, Андикон вилоятида - 25 та, Бухоро вилояти - 10 та, Жиззах вилоятида - 4 та, Навоий вилоятида - 4 та, Хоразм вилоятида - 5 та, жами 48 та 24 соатлик гурухлар фаолияти ташкил этилди.	
...					
IV. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси					
a) Парламент сўровлари					

T/p	Хужжат (хат) номи	Хужжат (хат) рақами ва санаси	Ижро муддати: ойнинг санаси	Ижро ҳолати	Натижаси
1.					
...					
<i>б) Депутатлар сўровлари</i>					
1.					
...					
<i>в) Депутатлар мурожсаатлари</i>					
1.					
...					
V. Олий Мажлис Сенати					
<i>а) Парламент сўровлари</i>					
1.					
...					
<i>б) Сенаторлар сўровлари</i>					
1.					
...					
<i>в) Сенаторлар мурожсаатлари</i>					
1.					
...					
VI. 2021 йил “Ёшларни қуллаб-қувватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида белгиланган топшириқлар					
1.					
...					
VII. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари					
1.	Фуқаро марожаати	Ф.С.Намозовнинг	21.04.2021	05.05.2021	Жавоб хати
...					
VIII. Вазирлик ва идоралар, худудий мактабгача таълим бўлинмалари томонидан киритилган хат ва хужжатлар					
1.					
...					
IX. Ташаббус билан ишлаб чиқилган хужжатлар					
<i>а) Норматив-хуқуқий хужжасат лойиҳалари</i>					
1.					

T/p	Хужжат (хат) номи	Хужжат (хат) рақами ва санаси	Ижро муддати: ойнинг санаси	Ижро ҳолати	Натижаси
...					
<i>б) Вазирлик ички ҳужжатлари лойиҳалари (буйруқ, “йўл харита”, чора-тадбир ва бош.)</i>					
1.					
...					

Мактабгача таълим вазирлигининг
2021 йил 7 июнданги З-сон
Хайъат қарорига
4а-илова

НАМУНА

“Тасдиқлайман”
Мактабгача таълим вазири
ўринбосари
Ф.И.Ш.
2021 йил июнь

Мактабгача таълим вазирлиги бошқармаси (бошлиғи, бошлиғи ўринбосари, бош мутахассис, етакчи мутахассис) Ф.И.Ш. нинг 2021 йил июнь ойи учун кунлик
ШАХСИЙ ИШ РЕЖАСИ

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	Нима билан якунланади
1 июнь		
1.	1-3-сон картотекадаги ва “ijgo.gov.uz” тизимидағи ижро муддати яқинлашиб келаётган ҳужжат лойихаларининг бажарилишини атрофлича ўрганиб чиқиши ва тегишли таркибий бўлинмаларга эслатма хати киритиш.	Ахборот тайёрланади.
2.	Президент Администрацияси ва Ҳукумат топшириқлари, вазирликлар ва идоралар, фуқаролардан келиб тушган мурожаат ҳужжатларига раҳбарият резолюцияси лойиҳасини тайёрлаш ва ҳужжатларни ижрога йўналтириш.	Топшириқ лойиҳаси тайёрланади.
3.	Инспекциянинг барча бошқарма ва бўлимларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари томонидан юқори ташкилотларнинг ҳужжатлари ва бошқа кўрсатмаларини, (қарор, буйруқ, фармойиш) ҳамда раҳбарият кўрсатмалари бажарилишини назорат қилиб, мувофиқлаштириб бориш	Ахборот тайёрланади.

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	Нима билан якунланади
2 июнь		
1.		
...		
...		
30 июнь		
1.		
...		

Изөх. Раҳбарият топшириқларига кўра, иш режсага ўзгартиришилар киритилиши мумкин.

Мактабгача таълим вазирлигининг
2021 йил 7 июндаги З-сон
Хайъат қарорига
5-илова

**Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари, худудий мактабгача таълим бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг тасдиқланган иш режалар бўйича
хисоботларини эшлиши
РЕЖА ГРАФИГИ**

Т/р	Бўлинма номи	ХИСОБОТНИ ЭШИТИШ МУДДАТЛАРИ										
Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари												
1.	Вазирнинг маънавий-маърифий ишлар ва давлат тили бўйича маслаҳатчиси	07.2021										
2.	Таълим жараёни сифатини таъминлаш ва инновацион педагогик технологияларини жорий этиш бошқармаси		07.2021									
3.	Давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси			07.2021								
4.	Ахборот хизмати				08.2021							
5.	Ички аудит, молиявий ва хуқуқий назорат хизмати					08.2021						
6.	Болалар саломатлиги, соғлом овқатлантиришни таъминлаш ва ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси						08.2021					
7.	Кадрлар бошқармаси							09.2021				

Т/р	Бўлинма номи	ХИСОБОТНИ ЭШИТИШ МУДДАТЛАРИ								
8.	Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси								09.2021	
9.	Халқаро ҳамкорлик ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш бошқармаси								09.2021	
10.	Назорат-тахлил бошқармаси									10.2021
11.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими									10.2021
12.	Ахборот коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бошқармаси	10.2021								
13.	Юридик бошқарма		11.2021							
14.	Комплаенс-назорат бўлими			11.2021						
15.	Молиявий-иктисодий ривожланишни режалаштириш бошқармаси				11.2021					
16.	Бухгалтерия хисоби ва хисботи бошқармаси					11.2021				
17.	Мактабгача таълим соҳаси сиёсатини шакллантириш ва стратегик ривожланишни бош бошқармаси						12.2021			
18.	Инвестициялар ва капитал курилишни мувофиқлаштириш бошқармаси							12.2021		
19.	Мактабгача таълим ташкилотларини жиҳозлаш бўлими								12.2021	

Т/р	Бўлинма номи	ХИСОБОТНИ ЭШИТИШ МУДДАТЛАРИ									
2.	Андижон вилояти		07.2021								
3.	Бухоро вилояти			08.2021							
4.	Жиззах вилояти				08.2021						
5.	Қашқадарё вилояти					09.2021					
6.	Навоий вилояти						09.2021				
7.	Наманган вилояти							10.2021			
8.	Самарқанд вилояти								10.2021		
9.	Сирдарё вилояти									11.2021	
10.	Сурхондарё вилояти										11.2021
11.	Фарғона вилояти										12.2021
12.	Хоразм вилояти	12.2021									
13.	Тошкент вилояти		01.2022								
14.	Тошкент шаҳар			01.2022							

Идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари хисоботлари

1.	Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти	09.2021									
2.	“Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази” МЧЖ		10.2021								
3.	“Ихтисослашган лойиҳа-изланиш институти” ДУК			11.2021							
4.	“Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниеринг компанияси” ДУК				12.2021						